

МУҚАДДАС КИТОБ
ЛУҒАТИ

АЙБ ҚУРБОНЛИГИ

“ҚУРБОНЛИК”ка қаранг.

АМОР ХАЛҚИ

Исроил халқи Канъон юртини эгалламастан олдин ўша ерда яшаган халқларнинг асосий бир гуруҳи. Баъзан ўша пайтда Канъон ерида яшаган халқларнинг ҳаммасига нисбатан ҳам “Амор халқи” деган ном ишлатилган. Шунинг учун таржиманинг баъзи жойларида “Амор халқлари” деб ҳам юритилган (масалан, “Ибтидо” 15:16, “Қонунлар” 3:8-11, “2 Шоҳлар” 21:2 га қаранг). Яна “КАНЪОН ХАЛҚИ, КАНЪОНДАГИ ХАЛҚЛАР”га қаранг.

АРАВА

“БРОНЗАДАН ЯСАЛГАН АРАВАЛАР”га ёки “ЖАНГ АРАВАСИ”га қаранг.

АРФА

Торли мусиқа асбоби.



арфа

АШЕРА

Канъондаги халқлар сажда қилган ҳосилдорлик худоси бўлиб, аёл жинси сифатида тасаввур қилинган. Унинг эркак жуфти эса Баал бўлган. Ашеранинг тасвирлари баланд устун бўлиб, ёғочдан ясалган эди.

АШТАРЕТ

Канъондаги халқлар сажда қилган ҳосилдорлик ва уруш худоси бўлиб, аёл жинси сифатида тасаввур қилинган.

АХД САНДИҒИ

Усти олтин билан қопланган ёғоч сандиқ (“Чиқиш” 37:1-9 га қаранг). Бу сандиқда иккита тош лавҳа сақланарди. Бу тош лавҳаларда ўнта амр ёзилган бўлиб, бу амрлар Худо билан Унинг халқи ўртасида тузилган аҳднинг қоидалари эди. Шу сабабдан бу сандиқ кўпинча аҳд сандиғи деб айтилган. Аҳд сандиғининг қопқоғи устида каруб деган мавжудотнинг иккита ҳайкали бор эди. Карублар бир-бирига юзма-юз турган бўлиб, уларнинг қанотлари қопқоқнинг устида ёйилиб турарди. Аҳд сандиғи — Худо Ўз халқи орасида эканлигининг рамзи эди. Исроил халқи саҳрода кезиб юганда шу сандиқ Муқаддас чодирнинг Энг муқаддас хонасида сақланар эди. Кейинчалик бу сандиқ Қуддусдаги Маъбаднинг Энг муқаддас хонасига қўйилган.



аҳд сандиғи

БААЛ

Канъондаги халқлар сажда қилган ҳосилдорлик худоси бўлиб, эркак жинси сифатида тасаввур қилинган. Унинг аёл жуфти Ашера бўлган. Канъонликлар, Баал энг кучли худо, деб ишонганлар. Баал сўзи ҳазрат деган маънони билдириб, баъзан эркаклар исмига, баъзан жой номларига ҳам қўшиб ишлатилган. Эҳтимол, ўша ерда Баалнинг бирор тасвири бўлганлиги ёки Баалга сажда қилишнинг алоҳида усули борлиги учун, бу жойлар машхур бўлгандир.



БААЛГА АТАЛГАН ТОШ

“БУТСИМОН ТОШ”га қаранг.

БАЙРАМЛАР

Муқаддас Китобда Исроил халқи нишонлаган бир нечта муҳим байрамлар айтиб ўтилган. Қуйидаги рўйхатда бу байрамларнинг ҳар бири ҳақида маълумот берилади:

ФИСИХ БАЙРАМИ

Иброний календарининг биринчи оyi — Абиб ойининг ўн тўртинчи куни оқшомида нишонланган (Абиб оyi Нисон оyi деб ҳам аталади). Бу ой ҳозирги 11 мартдан кейин биринчи янги ой чиққан кундан бошланади. Исроил халқи шу оқшомда Худо уларни қандай қилиб Мисрдаги кулликдан озод қилганини хотирлаган. Ҳар бир хонадон бир қўзи ёки улоқчани қурбонлик қилиб, Фисиҳ байрами муносабати билан таом тайёрлаган. Хонадон аъзолари қурбонлик таомини бирга тановул қилишган. Бу таом билан тахир ўтлар ва хамиртурушсиз нон ҳам ейилган. Фисиҳ байрамининг ибронийча номи “Песах”дир. Байрамнинг “Фисиҳ” деган ўзбекча номи мана шу сўздан олинган. “Чиқиш” 12:1-13, 21-51, “Левилар” 23:5, “Сахрода” 9:1-14, “Қонунлар” 6:1-7 га қаранг.

ХАМИРТУРУШСИЗ НОН БАЙРАМИ

Иброний календарининг биринчи оyi — Абиб ойининг 15-21 кунда нишонланган (Абиб оyi Нисон оyi деб ҳам аталади). Бу ой ҳозирги 11 мартдан кейин биринчи янги ой чиққан кундан бошланади. Шу ҳафта давомида Исроил халқини Худо Мисрдан шошилич олиб чиққанини ўзлари хотирлайди. Одамлар уйларидаги бор хамиртурушни олиб чиқиб ташлаганлар. Шу ҳафта давомида хамиртурушли нон ейилмаган. Одамлар байрамнинг биринчи ва

еттинчи кунларида муқаддас йиғин ўтказганлар, буюрилган қурбонликларни келтирганлар. Хамиртурушсиз нон байрамининг ибронийча номи “Матцот”дир. Бу байрам Фисиҳ байрами ўтгандан бир кун кейин бошлангани, Фисиҳ байрамига яқин бўлгани учун Эски Аҳддаги баъзи парчаларда иккала байрамга бир байрам деб ишора қилинган. “Чиқиш” 12:14-20, 13:3-10, 23:15, 34:18, “Левилар” 23:6-8, “Сахрода” 28:17-25, “Қонунлар” 16:3-4, 8 га қаранг.

ҲОСИЛ БАЙРАМИ

Иброний календарининг учинчи оyi — Шавон ойининг олтинчи кунда нишонланган. Бу ой ҳозирги 9 майдан кейин биринчи янги ой чиққан кундан бошланади. Бу байрам бугўдой ўримининг охирида нишонланарди. Бу кун Фисиҳ байрамидан кейин саккизинчи ҳафтанинг биринчи кунига — Фисиҳ байрамидан кейинги эллагинчи кунга тўғри келади. Бу кунда Худо ҳосилни баракали қилганини Исроил халқи нишонлаган. Одамлар ҳар хил назр ва қурбонликлар келтиришган. Буларга бугўдойнинг биринчи ўрими ҳам кирган. Бу байрамнинг ибронийча номи “Шавуот”, яъни “ҳафталар” деганидир. Шунинг учун бу байрам “Ҳафталар байрами” деб ҳам аталган. Грекча Янги Аҳдда бу байрам “Пентэкостэ”, яъни эллагинчи, деб аталган. “Чиқиш” 23:16, 34:22, “Левилар” 23:15-21, “Сахрода” 28:26-31, “Қонунлар” 16:9-12 га қаранг.

КАРНАЙ БАЙРАМИ

Иброний календарининг еттинчи оyi — Тишри ойининг биринчи кунда нишонланган (Тишри оyi Итаним оyi деб ҳам аталади). Бу ой ҳозирги 4 сентябрдан кейин биринчи янги ой чиққан кундан бошланади. Шу кун Исроил халқи ҳамма ишларидан тинган. Улар муқаддас йиғин ўтказганлар. Мана шу йиғинда



бургулар чалинган, буюрилган қурбонликлар келтирилган. “Левилар” 23:23-25, “Саҳрода” 29:1-6 га қаранг.

ПОКЛАНИШ КУНИ

Иброний календарининг еттинчи оyi — Тишри ойининг ўнинчи кунида нишонланган (Тишри оyi Итаним оyi деб ҳам аталади). Бу ой ҳозирги 4 сентябрдан кейин биринчи янги ой чиққан кундан бошланади. Шу куни Исроил халқи ҳамма ишларидан тиниб, рўза тутган. Рухонийлар ўзларини, халқни, Муқаддас чодирни ва қурбонгоҳни поклаш учун буюрилган қурбонликларни келтирганлар. “Покланиш куни” байрамининг ибронийча номи “Йом Киппур”дир. “Левилар” 16–боб, 23:26-32, “Саҳрода” 29:7-11 ва “РУҲОНИЙ”дан “ОЛИЙ РУҲОНИЙ”га қаранг.

ЧАЙЛА БАЙРАМИ

Иброний календарининг еттинчи оyi — Тишри ойининг 15-21 кунида нишонланган (Тишри оyi Итаним оyi деб ҳам аталади). Бу ой ҳозирги 4 сентябрдан кейин биринчи янги ой чиққан кундан бошланади. Бу пайтда ҳосил, мевалар йиғиб олинган, куз ёмғири бошланмасдан олдинги пайт бўлади. Исроил халқи Мисрдан чиққанларидан кейин, Канъон юртига кетаётиб, саҳро кезиб юрганда, чайлаларда яшаганини шу ҳафта давомида хотирлаган. Улар Канъон юртидаги ҳосилни Худо баракали қилганини ҳам нишонлашган. Одамлар буюрилган қурбонликларни келтирганлар. Улар мана шу ҳафта давомида ҳосилни йиғиб олаётганларида, далаларда қурилган чайлаларга ўхшаш чайлаларда яшаганлар. Чайла байрамининг ибронийча номи “Суккот”дир. Бу байрам “Йиғиш байрами” деб ҳам аталган. “Чиқиш” 23:16, 34:22, “Левилар” 23:33-36, 39-43, “Саҳрода” 29:12-34, “Қонунлар” 16:13-15, “Закариё” 14:16-19 га қаранг.

ПУРИМ БАЙРАМИ

Иброний календарининг ўн иккинчи оyi — Адар ойининг 14-15 кунида нишонланган. Бу ой ҳозирги февралда биринчи янги ой чиққан кундан бошланади. Мана шу икки кун давомида Исроил халқи Эстер яшаган пайтларда Худо уларни қандай қилиб бутунлай қирилиб кетишдан сақлаганини хотирлашган. Бу байрамда одамлар хурсандчилик қилганлар. Зиёфатлар уюштирганлар ва бир–бирларига совғалар берганлар. Бу байрамнинг номи бобилча “қуръа” сўзидан олинган. “Эстер” 9:20-32 га қаранг.

БАРҲАЁТ ХУДО

“ХУДОНИНГ ИСМЛАРИ”га қаранг.

БАШАН

Жанубий Суриянинг баланд текисликлари ва ўрмон билан қопланган қирлари. Бу қирлар Жалила денгизи ва Йордан дарёсининг шарқ томонида жойлашган. Башан Гилад худудининг шимолий томонида бўлиб, семиз мол-қўйларю аъло сифатли дон–дунлари билан машхур эди.

БОБИЛ

Қадимги қудратли шоҳлик. Унинг пойтахти Бобил ҳозирги жанубий Ироқ ўрнида жойлашган эди. Милоддан олдинги 586 йилда Бобил халқи жанубий шоҳлик — Яҳудони босиб олган (“ЯХУДО”га қаранг) ва жуда кўп одамларни Бобилга асир қилиб олиб кетган (“4 Шоҳлар” 25:1-12 га қаранг).

БРОНЗА ҚУРБОНГОҲ

“ҚУРБОНГОҲ”га қаранг.

БРОНЗАДАН ЯСАЛГАН АРАВАЛАР

Шоҳ Сулаймон қурдирган, Маъбаднинг ҳовлисида ишлатилган ўнта катта арава. Ҳар бир араванинг устида



катта тоғора бўлиб, бу тоғораларда сув сақланарди. Мана шу аравалар ёрдамида тоғоралардаги сув Маъбад ҳовлисида у ёқдан бу ёққа олиб ўтиларди (“3 Шоҳлар” 7:27-39 га қаранг). Қурбонлик қилинадиган ҳайвонларнинг баъзи аъзолари кўйдирилишдан олдин мана шу тоғоралардаги сув билан ювиларди (“2 Солномалар” 4:6 га қаранг).



бронзадан ясалган аравалар

БРОНЗАДАН ЯСАЛГАН ҲОВУЗ

Жуда катта тоғора. Бу ҳовуз бронзадан қилинган ўн иккита ҳўкиз устига ўрнаштирилган эди. Ҳовуз шоҳ Сулаймон қурдирган Маъбаднинг ҳовлисидаги бронзадан ясалган қурбонгоҳнинг ёнида турар эди. Бу ҳовузга тахминан 44.000 литр сув сиғарди (“3 Шоҳлар” 7:23-26 га қаранг). Мана шу ҳовуздаги сувни руҳонийлар ювиниш учун ишлатардилар (“2 Солномалар” 4:6 га қаранг).



бронзадан ясалган ҳовуз

БУРҒУ

Кўчқорнинг шохидан ясалган асбоб. Бурғунинг баланд овози бирор хабарни етказиш учун ишлатилган.



бурғу

БУТСИМОН ТОШ

Бир учи ерга қадалган узунчоқ тош. Шундай тошлардан Канъон халқлари ўз худолари, айниқса худо Баалга сажда қилиш учун фойдаланардилар (“БААЛ”га қаранг). Тошлар сажда қилинадиган очиқ жойларга (“4 Шоҳлар” 17:10 га қаранг) ва саждагоҳларнинг ичкарасига қўйиларди (“4 Шоҳлар” 10:26 га қаранг). Худо Исроил халқига, ҳеч қачон сажда қилиш учун тош ўрнатманглар, деб амр берган (“Левилар” 26:1 га қаранг). Исроил халқи мана шу бутсимон тошларни йўқ қилиб ташлашлари керак эди (“Чиқиш” 23:24 га қаранг).



бутсимон тош

ВАЛИЙ

Пайғамбарни шу сўз билан аташ кенг тарқалган эди (“1 Шоҳлар” 9:9 га қаранг). Ибронийчадан сўзма-сўз таржимаси — *қўрадиган одам*, яъни бошқалардан фарқли равишда, Худодан келадиган ваҳийни кўриш ва эшитиш лаёқати бўлган одам.



ГИЛАД

Иордан дарёсининг шарқидаги бир худуд. Бу худуднинг жануб томонида Мўаб, шимол томонида эса Башан жойлашган эди.

ГИРГОШ ХАЛҚИ

Исроил халқи Канъон юртини эгалламасдан олдин ўша ерда яшаган халқлардан бири. Бу халқ Канъон юртининг аниқ қайси жойида яшаганлиги маълум эмас. Яна “КАНЪОН ХАЛҚИ, КАНЪОНДАГИ ХАЛҚЛАР”га қаранг.

ГУНОҲ ҚУРБОНЛИГИ

“ҚУРБОНЛИК”ка қаранг.

ГУНОҲДАН ПОКЛАШ ЖОЙИ

Олтидан ясалиб, аҳд сандиғи устига қўйилган қопқоқ (“АҲД САНДИҒИ”га қаранг). Бир йилда бир марта — Покланиш куни олий руҳоний махсус қурбонликлар келтириб, қурбонликнинг қонидан гуноҳдан поклаш жойига сепар эди. Энг Муқаддас Хонани поклаш мақсадида шундай қилинар эди (“Левилар” 16-бобга қаранг).

ДОВУД ҚАЛЬАСИ

Қуддуснинг Сион тепалигидаги қадимги қисми. Ёбус халқи мана шу жойнинг туб аҳолиси эди, Довуд бу ерни босиб олиб, Ёбуслардан тортиб олган (“2 Шоҳлар” 5:6-9 га қаранг).

ДОН НАЗРИ

“НАЗР”га қаранг.

ДЎҒОН

Филист халқининг худоси (“1 Шоҳлар” 5:2 га қаранг).

ЁБУС ХАЛҚИ

Исроил халқи Канъон юртини эгалламасдан олдин ўша ерда яшаган халқлардан бири. Довуд Қуддусни

босиб олишидан олдин улар Қуддусда ва унинг атрофида яшаганлар (“2 Шоҳлар” 5:6-10 га қаранг. Яна “КАНЪОН ХАЛҚИ, КАНЪОНДАГИ ХАЛҚЛАР”га қаранг).

ЁДГОРЛИК ТОШИ

Бир учи ерга қадалган узунчоқ тош. Бирортасининг қабрини белгилаб қўйиш ёки муҳим бир воқеани ёки инсонни хотирлаш учун фойдаланилган (“Ибтидо” 28:16-18, 35:20, “Чиқиш” 24:4, “2 Шоҳлар” 18:18 га қаранг).

ЁҚУБ

Исҳоқнинг ўғли, Иброҳимнинг набираси. Ёқуб Паниёлда Худо билан кураш тушгандан кейин Худо Ёқубга Исроил деб исм берган (“Ибтидо” 32:28-29, 35:10 га қаранг). Эски Аҳдда Ёқубнинг авлодлари Исроил халқи деб аталган. Қўпинча Эски Аҳднинг пайгамбарларга оид ва шеърий парчаларида Исроил халқига нисбатан Ёқуб ёки Ёқуб насли деб айтилган. Бир нечта жойда эса тор маънода — пойтахти Самария бўлган шимолий шоҳлик — Исроилга нисбатан (“ИСРОИЛ”га қаранг) ёки пойтахти Қуддус бўлган жанубий шоҳлик — Яхудога нисбатан ишлатилган (“ЯХУДО”га қаранг).

ЖАНГ АРАВАСИ

Отларга қўшиладиган, орқаси очик арава. Урушда ишлатилган бўлиб, ҳарбий куч-қудрат ва устунликнинг белгиси эди.



жанг араваси



ЗАЙТУН

Кўриниши жийдага ўхшаш дарахт ва шу дарахтнинг меваси (русча маслина ёки оливка). Бу дарахт Фаластинда жуда кенг тарқалган, мевасининг мазаси нордон, ранги қора ёки яшил бўлиб, одатда мевасини эзиш йўли билан мой олинади.

ЗАЙТУН МОЙИ

Зайтун мевасини эзиб чиқариладиган мой (яна “МОЙ”га қаранг).

ЗИҒИР

Қадимги пайтларда кенг тарқалган ўсимлик. Бу ўсимликнинг пояларини одамлар йиғиб олиб, сувда ивитарди. Қуритганларидан кейин эса толаларини ажратиб, улардан ип ўрашган. Бу ипдан зиғир матоси тўқишган. Қадимги замонда майин тўқилган зиғир матоси қимматбаҳо газлама ҳисобланган. Иқлим иссиқ жойларда бу матодан тикилган кийим қулай бўлган. Матонинг русча номи — лён.

ИБРОНИЙ

Исроил халқининг этник гуруҳини ифодалайдиган қадимги сўз. Бу сўзнинг келиб чиқиши баҳсли (“Ибтидо” 10:21 изоҳига қаранг). Бир марта Иброҳимнинг қайси халқдан эканини билдириш учун ишлатилган (“Ибтидо” 14:13 га қаранг). Кўпинча бошқа бир халқ вакили Исроил халқидан бўлган одам ҳақида гапирганда шу сўз қўлланади (масалан, “Ибтидо” 39:13-17, “Чиқиш” 1:15-19, “1 Шоҳлар” 4:6 га қаранг).

ИБРОНИЙЧА

Исроил халқи милoddан олдинги 586 йилда Бобилга асир қилиб олиб кетилмасдан олдин, уларнинг аксарияти ишлатган тил (“БОБИЛ”га қаранг). Исроил халқи асирликдан қайтгандан кейин кўпроқ орамий тилида гапира бошлаган эди

(“ОРАМИЙЧА”га қаранг). Эски Аҳднинг асосий қисми ибронийчада ёзилган.

ИНОҚ ХАЛҚИ

Иноқнинг авлодлари, Исроил халқи Канъон юртини эгалламасдан олдин ўша ерда яшаган халқлардан бири. Бу халқнинг одамлари жуда ҳам баланд бўйли, бақувват бўлганлар деб айтилади (“Саҳрода” 13:33-34, “Қонунлар” 2:10-11, 20-21 га қаранг).

ИСРОИЛ

Ёқуб Паниёлда Худо билан кураш тушгандан кейин Худо Ёқубга берган исм (“Ибтидо” 32:28-29, 35:10 га қаранг), Ёқубдан тарқалган халқнинг ҳам номи. Ёқуб Исҳоқнинг ўғли, Иброҳимнинг набираси эди. Ёқубнинг ўн иккита ўғлидан ўн иккита қабила келиб чиқди. Эски Аҳдда мана шу ўн икки қабила Исроил халқи деб аталган. Шоҳ Сулаймоннинг вафотидан кейин шимолдаги ўнта қабила жанубдаги Яҳудо ва Бенямин қабилаларидан ажралиб чиқди (“3 Шоҳлар” 11:26-12:24 га қаранг). Мана шу ўнта қабила ҳозирда шимолий шоҳлик деб аталадиган давлатни ташкил қилди. Шимолий шоҳликнинг ўз ҳукмдорлари бўлиб, шоҳликнинг пойтахти Самария шаҳри эди. Эски Аҳднинг баъзи ўринларида Исроил деган ном фақат шимолдаги ўнта қабилага ёки мана шу шимолий шоҳликка нисбатан қўлланган.

ИЧКИ ПАРДА

Муқаддас чодирнинг Энг муқаддас хонасини Муқаддас хонасидан ажратиб турган, чиройли қилиб безатилган парда (“Чиқиш” 26:31-33 га қаранг). Кейинчалик шундай парда Қуддусдаги Маъбаднинг Муқаддас хонасини Энг муқаддас хонадан ажратиб турган (“2 Солномалар” 3:14 га қаранг).



ЙҲВҲ

“ХУДОНИНГ ИСМЛАРИ”дан “ЭҒАМ, ЭҒАМИЗ...”га қаранг.

КАДМОН ХАЛҚИ

Исроил халқи Канъон юртини эгалламасдан олдин ўша ерда яшаган халқлардан бири (“Ибтидо” 15:19 га қаранг). Яна “КАНЪОН ХАЛҚИ, КАНЪОНДАГИ ХАЛҚЛАР”га қаранг.

КАНЪОН

Хомнинг ўғли, Нухнинг набираси. Кейинчалик Исроил ёки Фаластин деб ном олган юрт ҳам ўша вақтда шу ном билан юритилган. “Ибтидо” китобига кўра, Канъондан тарқалган бир нечта халқ шу юртда яшаган (“Ибтидо” 10:6, 15-19 га қаранг). Яна “КАНЪОН ХАЛҚИ, КАНЪОНДАГИ ХАЛҚЛАР”га қаранг.

КАНЪОН ХАЛҚИ, КАНЪОНДАГИ ХАЛҚЛАР

Исроил халқи Канъон юртини эгалламасдан олдин ўша ерда яшаган барча халқлар. Бу халқлар бир нечта эди: Амор халқи, Гиргош халқи, Хет халқи, Хив халқи, Ёбус халқи, Кадмон халқи, Ханаз халқи, Хайин халқи, Париз халқи, Рафа халқи. Исроил халқи Канъонни эгаллагандан кейин ҳам бу халқлардан бир қанчаси ўша юртда яшашда давом этаверганлар. Яна “КАНЪОН”га қаранг.

КАРНАЙ БАЙРАМИ

“БАЙРАМЛАР”га қаранг.

КАРУБ, КАРУБЛАР

Қанотли самовий мавжудотлар. Кўпинча, бу мавжудотлар Худонинг тахти ёки Худонинг манзили ёнида, деб айтилади. Баъзи ўринларда, карублар Худонинг тахтини кўтариб юради, деб тасвирланади (“Ҳизқиё” 1, 10–бобларга қаранг). Мана шу самовий мавжудотларнинг ҳайкаллари ва ўйма тасвирлари ҳам карублар деб аталади.

Карублар Худонинг улугворлиги ва Унинг ўз халқи орасида эканлиги рамзидир. Икки каруб ҳайкали Аҳд сандигининг қопқоғига қўшиб ясалган эди (“Чиқиш” 25:18-20 га ва “АҲД САНДИГИ”даги расмга қаранг). Муқаддас чодирнинг Энг муқаддас хонасини Муқаддас хонасидан ажратиб турган ички парда ҳам карублар тасвири билан безатилган. Кейинчалик Исроил тарихида карубларнинг иккита катта ҳайкали ясалиб, Маъбаднинг Энг муқаддас хонасига қўйилган (“3 Шоҳлар” 6:23-28 га ва “МАЪБАД”даги расмга қаранг). Маъбаднинг ички пардаси, деворлари ва эшикларини безашда ҳам карублар тасвирлари ишлатилган (“2 Солномалар” 3:14, “3 Шоҳлар” 6:29-35 га қаранг).

КУЙДИРИЛАДИГАН ҚУРБОНЛИК

“ҚУРБОНЛИК”га қаранг.

КЎКРАКПЕЧ

Олий руҳоний киядиган махсус кийим. Муқаддас ашёлар Урим ва Туммим эфодга қадалган. Худонинг иродасини аниқлашда Урим ва Туммимдан фойдаланилган (“Чиқиш” 28:15-30 га қаранг).



кўкракпеч

КЎЛ ТЕГИРМОН

Иккита ясси тош. Бу тошлар билан дон янчилик, ун қилинар эди. Устки тош одатда думалоқ бўлиб, ўртасида тешиги бўлар эди. Тешикдан



дон тўкилар эди. Устки тошнинг дастаси бўлган. Шу дастадан ушлаб, устки тошни остки тош устида юргизганлар.



кўл тегирмон

ЛЕВИ, ЛЕВИЛАР

Ёқубнинг ўғли Леви қабиласидан келиб чиққан эркак зоти. Леви қабиласидан бир оилани, яъни Ҳоруннинг авлодларини Худо Исроил халқининг руҳонийлари қилиб танлади. Леви қабиласининг қолган эркаклари Муқаддас чодирда ва кейинчалик Маъбадда руҳий вазифаларни бажаришда ёрдам берганлар (“Саҳрода” 3:5-10 га қаранг). “Леви” сўзи баъзи оятларда руҳий вазифаларни бажара оладиган эркак кишига нисбатан ҳам ишлатилган (“Ҳакамлар” 17:7-13 га қаранг).

ЛИРА

Торли мусиқа асбоби.



лира


ЛУБНОН

Садр ўрмонлари билан машҳур бўлган шимолий Фаластиндаги тоғ тизмалари. Шоҳ Сулаймон ўз саройини ва Қуддусдаги Маъбадни Лубнондан келтирилган садр ёғочларидан қурдирган (“3 Шоҳлар” 5:6-10, 6:15-20, 7:2-3 га қаранг).

МАЪБАД

Бирон худога сажда қилишда фойдаланилган маскан. Агар бирор худонинг ўз маъбади бўлса, худога сажда қилиш учун ўша маъбадга келган одамлар, “Худо айнан шу маъбадда қандайдир йўл билан зоҳир бўлади”, деб ишонардилар. Шу сабабдан маъбад худонинг уйи деб ҳам қаралган. Таржимада шу сўз катта ҳарф билан ёзилган бўлса, Қуддусдаги Маъбад назарда тутилган. Бу Маъбад шоҳ Сулаймон давридан бошлаб Исроилда сажда қилинадиган асосий жой бўлиб қолган. Биринчи Маъбадни шоҳ Сулаймон Қуддусда қурдирган. Бу Маъбад “3 Шоҳлар” китобининг 6-7-бобларида ва “2 Солномалар” китобининг 2-4-бобларида батафсил тасвирланган. Бобилликлар бу Маъбадни вайрон қилиб, ундаги барча қимматбаҳо ашёларни Бобилга олиб кетган (“3 Шоҳлар” 25:8-17 га қаранг). Исроил халқи Бобилда асирликда юрар экан, Худо пайғамбар Ҳизқиёга янги Маъбад ҳақида ваҳий юборди. Ҳизқиё бу ваҳийни Исроил халқига айтди (“Ҳизқиё” 40-46-бобларга қаранг). Исроил халқидан баъзилари асирликдан қайтиб келганларидан кейин милоддан олдинги 520-515 йилларда Маъбад Қуддусда яна қайта қурилди. Пайғамбарлар Ҳаггей ва Закариё Маъбад қурилишини кўллаб-қувватладилар. Антиох IV бошчилигида Юнонлар бу Маъбаддаги буюмларни ўғирлаб, уни ҳаром қилишган. (Антиох IV милоддан олдинги 175-164 йилларда Сурия устидан ҳукмронлик қилган. Уни Эпифан деб ҳам аташарди.) Кейинчалик Буюк Ҳирод даврида Маъбад қайтадан қурилиб яна улуғворликка эга бўлди. (Буюк Ҳирод милоддан олдинги 34 йилдан эрамининг 4 йилигача ҳукмронлик қилган.) Қайта қурилган Маъбад 70 йилда Римликлар томонидан вайрон қилинди. Шундан кейин Маъбад бошқа қурилмади.





МИДИЁН, МИДИЁН ХАЛҚИ, МИДИЁНЛИКЛАР

Иброҳимнинг иккинчи хотинидан туғилган ўғилларидан бири (“Ибтидо” 25:1-2 га қаранг). Мидиёндан тарқалган авлод Мидиён халқи деган ном билан танилди. Улар кўчманчи халқ бўлиб, асосан ҳозирги Ақаба кўрфазининг шарқий қирғоғидаги саҳрода яшардилар. Баъзан у жой Мидиён, шу жойда яшаган халқ Мидиёнликлар деб аталган. Мидиённинг авлоди Иброҳимнинг ўғли Исмоилдан келиб чиққан яна бир кўчманчи халққа қариндош эдилар. Шунинг учун “Мидиён халқи” ва “Исмоил халқи” номлари баъзан бир-бирининг ўрнида ишлатилаверган.

МИДИЯ

Қадимги қудратли шоҳлик. Ҳозирги Эроннинг шимоли-ғарбида жойлашган эди. Милоддан олдинги 550 йилда Форс шоҳлигининг энг муҳим вилоятларидан бири бўлиб қолди. Форс қонунлари “Мидия ва Форс қонунлари” деб аталарди (“Эстер” 1:19, “Дониёр” 6:8, 12, 15 га қаранг).

МИДИЯ–ФОРС ШОҲЛИГИ

“ФОРС ШОҲЛИГИ”га қаранг.

МОЙ

Эски Аҳдда мой сўзи суюқликка нисбатан ишлатилганда, зайтун мойи назарда тутилган (“ЗАЙТУН МОЙИ”га қаранг). Қадимги Исроилда зайтун мойининг бир неча вазифаси бўлган. Чироқларни ёқишда зайтун мойи ишлатилган. Теридаги яралар ва жароҳатларни даволашда ҳам зайтун мойидан фойдаланилган. Бой одамлар баданларини яхши сақлаш ва ҳимоя қилиш учун энг аъло сифатли зайтун мойи ишлатганлар. Баъзан шундай зайтун мойи атирлар билан аралаштирилиб, ёқимли ҳид таратиши учун сочга, терига

суртилган. Бирортаси соҳ, руҳоний ёки пайғамбар қилиб танланганда ҳам уларнинг боши устидан аъло сифатли зайтун мойи қуйилган. Муқаддас буюмларни поклаш учун ҳам зайтун мойи ишлатилган. Хуллас, мой бирлик, фаровонлик, поклик ва Худо руҳининг қудрати рамзи бўлган.

МОЙ ҚУЙИБ ТАНЛАМОҚ

Ҳудо бирортасини соҳ, пайғамбар ёки руҳоний қилиб танлаганда, унинг бошидан зайтун мойини қуйишга амр берар эди (“ЗАЙТУН МОЙИ”га қаранг). Зайтун мойи Худо руҳининг зоҳирлигини, танланган инсон Худо орқали покланганини ва шу инсонга қудрат ато этилганини билдирар эди. Шу сабабдан бирор вазифага танланган инсонга, айниқса шоҳга нисбатан, мой қуйиб танланган инсон, деб айтилди. Кейинчалик бу Масихга нисбатан ишлагиладиган исм бўлиб қолган. Баъзан муқаддас буюмларни мой билан артиб покланган ёки уларнинг устидан мой қуйилган.

МОЙЧИРОҚ

Қадимги пайтларда кенг тарқалган чироқ. Бу чироқ одатда кичик бир сопол идиш бўлиб, идишга зайтун мойи қуйилган. Чироқнинг пилиги бўлган. Металлдан ясалган чироқлар киммат ҳисобланган.



мойчироқ

МОХОВ

Матндаги бу сўз ибронийчада ҳар хил тери касалликларига нисбатан ишлатилган сўзнинг таржимасидир. Тери касалликларидан бирортасига йўлиққан киши бошқаларга ўз



касаллигини юктирмасин, деб ажратиб қўйилиши шарт эди. Қонунларга кўра, бундай одам бошқа бирор одамга тегиб кетиб, уни ҳаром қилиб қўймаслиги учун ҳам алоҳида ажратилиши керак эди (“Левилар” 13:45-46 га қаранг).

МУҚАДДАС

Эски Аҳдда муқаддас сўзи кўпинча Худонинг сифатини ифодалаган. Бу сўз Худонинг ноёблигини ва оламдаги жамики нарсалардан ажралиб туришини билдиради. Худо бутунлай пок, гуноҳсиз ва нуқсонсиздир. Бу сўз яна Худога сажда қилишда фойдаланилган буюмларга ёки одамларни сажда қилишга бошлайдиган руҳонийларга нисбатан ҳам ишлатилган. Агар бирор буюм ёки жой муқаддас бўлса, демак, ўша буюм ёки жой алоҳида бир мақсадда ажратилиб қўйилган. Ўша буюмларга ёки жойга эҳтиёткорлик билан, эътибор бериб қараш керак бўлган. Агар руҳоний муқаддас деб таърифланган бўлса, демак, у Худога хизмат қилишга бағишланган ва унинг махсус вазифаси бўлган. Шу сабабдан у бошқалардан ажратилиб, муқаддас деб аталган. Буюмлар ва инсонлар қурбонликлар ёки руҳий маросимлар орқали покланиб, муқаддас қилинганлар ва махсус бир вазифага лойиқ қилиб тайёрланганлар. Худонинг халқи бошқалардан ажралиб туришлари учун муқаддас бўлишига амр қилинган. Улар Худога хизмат қилиб, Унинг қонунларига риоя қилишлари учун ўзларини бошқалардан ажратишлари керак эди.

МУҚАДДАС НОН

Муқаддас чодирдаги хонтахтага, кейинчалик Маъбаддаги хонтахтага қўйилган ўн иккита хамиртурушсиз нон. Иброний чадаги сўзма-сўз таржимаси — “хузур нони”, чунки

Эгамиз махсус ҳозир бўлган жойга бу нон қўйилган. Бу нонлар хонтахтада бир ҳафта тургач, кейин бу нонлар янги ёпилган ўн иккита нон билан алмаштирилган. Бу нонлар хонтахтадан олингандан кейин, фақат руҳонийлар ейиши мумкин бўлган (“Левилар” 24:5-9 га қаранг). Исроил халқи учун Худо куч-қудрат ва егулик манбаи эканлигини билдирадиган рамз мана шу нонлар эди.

МУҚАДДАС НОНЛАР УЧУН ХОНТАХТА

“ХОНТАХТА”га қаранг.

МУҚАДДАС ХОНА

Муқаддас чодирнинг асосий хонаси, кейинчалик Маъбаднинг асосий хонаси (“МУҚАДДАС ЧОДИР” ва “МАЪБАД”даги расмларга қаранг). Муқаддас нон, олтидан ясалган тутатқи қурбонгоҳи ва олтин чироқпоя мана шу хонада турар эди. Муқаддас хонани Энг муқаддас хонадан катта, кенг парда ажратарди. Қонунга кўра, руҳоний бир кунда икки марта — эрталаб ва кечқурун Муқаддас хонага кириб, олтин қурбонгоҳда тутатқи тутарди. Фақат руҳонийлар Муқаддас хонага киришлари мумкин эди. Яна “ЭНГ МУҚАДДАС ХОНА”га қаранг.


МУҚАДДАС ХУДО

“ХУДОНИНГ ИСМЛАРИ”га қаранг.

МУҚАДДАС ЧОДИР

Қуддусда Маъбад қурилишидан олдин Исроил халқи кўчириши мумкин бўлган чодир. Бу термин одатда чодирнинг ўзига нисбатан ишлатилади. Аммо баъзан чодир ва унинг атрофидаги махсус тўсиқлар билан ажратилган ерларга нисбатан ҳам ишлатилади. Исроил халқи шу чодирда Худога сажда қилар эди. Исроил халқи Синай тоғида турганда, Худо Мусога чодир тикишни буюриб, қандай тикилиши кераклигини аниқ






МУҚАДДАС ЧОДИР



кўрсатган (“Чиқиш” 25:8-9, 26:1-37, 27:9-19 га қаранг). Муқаддас чодирнинг Энг муқаддас хонасида аҳд сандиги турган. Бу чодир Учрашув чодир, деб ҳам айтилган. Исроил халқи қурбонликлар келтирганда, Худо Ўз халқи орасида бўлиб, улар билан учрашиш учун шу чодирда зоҳир бўлар эди (“Чиқиш” 29:42-43 га қаранг).

МУҲР

Узук ёки ип билан бўйинга осиладиган цилиндр шаклидаги нараса. Бирорта хат ёки ҳужжат расмийлаштирилгандан кейин, мум, қўрғошин ёки бирор юмшоқ модда билан сўргичланиб, муҳр босилган. Бу белги хат ёки ҳужжат юбораётган одамнинг ҳокимиятини билдириб, хат ёки ҳужжатни ҳақиқатан ҳам ўша одам юборганлигини тасдиқлайди.



МЎАБ, МЎАБ ХАЛҚИ, МЎАБЛИКЛАР Мўабнинг авлодлари. Иброҳимнинг жияни Лут катта қизидан Мўабни кўрган (“Ибтидо” 19:30-38 га қаранг). Мўаб авлодлари Мўаб юртида яшардилар. Бу юрт Ўлик денгизнинг шарқидаги текис тепаликда жойлашган, ер ҳосилдор эди. Мўаб халқи худо Хамўшга сажда қиларди. Уларнинг тили иброний тилига яқин, ўзлари Исроил халқининг душмани эдилар. Исроил пайғамбарлари кўпинча уларга салбий муносабатда бўлардилар (“Ишаё” 15-16–боблар,

“Еремиё” 49–боб, “Зафаниё” 2:8-11 га қаранг). Бобилликлар уларни йўқ қилиб ташлагандан кейин, бу халқдан насл қолмади.

МЎЛАХ

Оммон халқининг худоси (“3 Шоҳлар” 11:7 га қаранг). Одамлар ўз фарзандларини қурбонлик қилиш орқали Мўлахга сажда қилар эди. Худонинг қонунларида бу одат қаттиқ ҳукм қилинган бўлса ҳам, тарихнинг маълум бир даврида ҳатто Исроил халқи ҳам Қуддусга яқин жойдаги Хиннум сойлигида Мўлахга сажда қилиб, фарзандларини қурбонлик қилишган (“Левилар” 20:2-5, “Еремиё” 32:35 га қаранг).

НАЗР

Худога сажда қилиб берилган нараса. Эски Аҳддаги қонунда айтиб ўтилган иккита назр тури қуйидагилардир:

ДОН НАЗРИ

Аъло сифатли ун, хамиртурушсиз ёки хамиртурушли ёпилган нон назри. Бу назрнинг бир қисми ёки ҳаммаси қурбонгоҳда куйдирилган, куйдирилмаган қисми эса руҳонийларга берилган ёки сажда қилувчилар томонидан ейилган. Дон назри одатда бошқа бирор қурбонликка, масалан, куйдириладиган ёки тинчлик қурбонликларига қўшиб қилинган.

ШАРОБ НАЗРИ

Бу назр одатда куйдириладиган ёки тинчлик қурбонлигига қўшиб қилинган ва унинг ҳаммаси қурбонгоҳга қуйилган. Шароб назри қурбонликка қўшилганда, Худога яна ҳам ёқадиган ҳид бўлади, деб ҳисоблашган.

ОЛИЙ РУҲОНИЙ

“РУҲОНИЙ”га қаранг.

ОЛТИН ТУТАТҚИ ҚУРБОНГОҲИ

“ҚУРБОНГОҲ”га қаранг.



ОЛТИН ХОНТАХТА

“ХОНТАХТА”га қаранг.

ОММОН ХАЛҚИ

Баномининг авлодлари. Иброҳимнинг жияни Лут кичкина қизидан Баномини кўрган (“Ибтидо” 19:30-38 га қаранг). Оммон халқи худо Мўлахга сажда қилган. Улар Йордан дарёсининг шарқида яшаганлар. Исроил халқининг душмани бўлиб, Филист халқи билан иттифоқ тузишган. Пойтахти Оммон шаҳри бўлиб, ҳозирги Йордания давлатининг ҳам пойтахтидир.

ОМОЛЕК ХАЛҚИ

Исроил халқи Канъон юртини эгалламасдан олдин ўша ерда яшаган халқлардан бири. Улар кўчманчи халқ бўлиб, асосан Ўлик денгизнинг жануб ва шарқ томонида яшаган. Исроил халқи Мисрдан чиқиб келаётганда, Омолек халқи уларга ҳужум қилган эди, ўшандан кейин Исроил халқининг душмани бўлиб қолган (“Чиқиш” 17:8-16, “Қонунлар” 25:17-19, “1 Шоҳлар” 15:2, 30:1-5 га қаранг). Худо Исроил халқига: “Омолек халқини бутунлай йўқ қилиб ташланглар”, деб амр берган эди, фақат Яхудо шоҳи Хизқиё давридагина Исроил халқи уларни қириб ташлади (“1 Солномалар” 4:43 га қаранг).

ОРАМИЙЧА

Ибронийчага яқин бўлган тил. Милоддан олдинги олтинчи асрда бутун Ўрта Шарқда савдо-сотик ва сиёсий тилга айланди. Эски Аҳднинг баъзи бир қисмлари (“Эзра” 4:8-6:18, 7:12-26, “Дониёр” 2:46-7:28) орабийчада ёзилган.

ОССУРИЯ

Қадимги қудратли шоҳлик. Унинг пойтахти Найнаво ҳозирги шимолий Ироқ ўрнида жойлашган эди. Милоддан олдинги 722 йилда Оссурияликлар

шимолий шоҳлик — Исроилни босиб олдилар (“ИСРОИЛ”га қаранг). Улар Исроил халқининг кўпини асир қилиб олиб кетдилар. Оссурия шоҳи бошқа халқларни Исроил юртига мажбурлаб кўчирди (“3 Шоҳлар” 18:9-12 га қаранг). Исроил юртида қолганлари эса кўчиб келиб ўрнашган халқлар билан қуда-андачилик қилдилар.

ПАРВАРДИГОР ЭГАМ, ПАРВАРДИГОР ЭГАМИЗ

“ХУДОНИНГ ИСМЛАРИ”га қаранг.

ПАРВАРДИГОРИ ОЛАМ

“ХУДОНИНГ ИСМЛАРИ”га қаранг.

ПАРИЗ ХАЛҚИ

Исроил халқи Канъон юртини эгалламасдан олдин ўша ерда яшаган халқлардан бири. Улар Канъоннинг марказидаги қирли жойларда яшаганлар. Яна “КАНЪОН ХАЛҚИ, КАНЪОНДАГИ ХАЛҚЛАР”га қаранг.

ПОКЛАНИШ КУНИ

“БАЙРАМЛАР”га қаранг.

ПУРИМ БАЙРАМИ

“БАЙРАМЛАР”га қаранг.

РАББИЙ ХУДО, РАББИМ ХУДО, РАББИМИЗ ХУДО

“ХУДОНИНГ ИСМЛАРИ”га қаранг.

РАББИЙ, РАББИМ, РАББИМИЗ...

“ХУДОНИНГ ИСМЛАРИ”га қаранг.

РАФА ХАЛҚИ

Исроил халқи Канъон юртини эгалламасдан олдин ўша ерда яшаган халқлардан бири. Бу халқ ҳам Иноқ халқидай баланд бўйли, бақувват бўлган, деб айтилади (“Қонунлар” 2:11, 20 га қаранг). Яна “КАНЪОН ХАЛҚИ, КАНЪОНДАГИ ХАЛҚЛАР”га қаранг.



РОМЛАР

Муқаддас чодирнинг махсус ясалган қисмлари. Тик қилиб, бир–бирига ёнма–ён қўйилиб, қумуш тагликка ўрнатилганда, чодирнинг икки ён девори ва орқа девори шу ромлардан иборат бўлган.



ромлар

РУҶОНИЙ

Умуман, руҳий маросим ва хизматларни олиб боришга махсус тайёрланган киши. Исроил халқи орасида эса, Мусо орқали Худо берган қонунларга қўра, Мусонинг акаси Ҳоруннинг авлодидан бўлган киши. Ҳорун ва унинг авлоди Муқаддас чодирда, кейинчалик Қуддусдаги Маъбадда хизмат қилиш учун танланган эди. Сажда қилишда бош бўлиш, қурбонлик келтириш, руҳий расм–русум ва маросимлар ўтказиш руҳонийларнинг бурчи эди (“ЛЕВИ, ЛЕВИЛАР”га қаранг). Муқаддас чодирнинг Муқаддас хонасига, кейинчалик Маъбаднинг Муқаддас хонасига фақатгина руҳонийлар кира олар эдилар.

ОЛИЙ РУҶОНИЙ

Исроил халқининг энг муҳим ва энг баланд лавозимдаги руҳонийси. Олий руҳоний бир йилда бир марта — Покланиш кунида ўзининг ва бутун халқнинг гуноҳлари учун қурбонлик келтирар эди. Қонунга қўра, Муқаддас чодирнинг Энг муқаддас хонасига, кейинчалик Маъбаднинг Энг муқаддас хонасига кириб, тутатқи тутатар, Аҳд сандиғининг гуноҳдан поклаш қопқоғи устига ва олдига

қурбонликнинг қонидан сепарди. Бу жойга фақатгина олий руҳоний бир йилда бир марта кира оларди (“БАЙРАМЛАР”дан “ПОКЛАНИШ КУНИ”га қаранг). Олий руҳоний ўз бурчларини адо этаётганда, махсус кийимлар кийган. Бошқа ҳеч ким бу кийимларни кийиши мумкин эмас эди (“Чиқиш” 28–боб ва “Левилар” 8:6-9 га қаранг).

САМАРИЯ

Шимолий шоҳлик — Исроилнинг пойтахти (“ИСРОИЛ”га қаранг). Милоддан олдинги 885-874 йилларда ҳукмронлик қилган шоҳ Омри давридан бошлаб пойтахт бўлган (“3 Шоҳлар” 16:23-24 га қаранг). Баъзан шимолий шоҳлик — Исроил Самария деб ҳам айтилаверган (“3 Шоҳлар” 13:32, “4 Шоҳлар” 17:24 га қаранг).

САМОВИЙ ХУДО

“ХУДОНИНГ ИСМЛАРИ”га қаранг.

САНДИҚ


“АҲД САНДИҒИ”га қаранг.

САРВАРИ ОЛАМ

“ХУДОНИНГ ИСМЛАРИ”га қаранг.


САРДОБА

Ёмғир сувини сақлаш учун фойдаланилган чуқурлик. Чуқур қазилгандан кейин чуқурнинг ҳар томонида тошлар тахлаб чиқиларди, тошлар усти сувалиб, шу тарика сардобалар ясаларди. Яна катта қоя юзасида чуқур қазилиб ҳам сардобалар ясаларди.



сардоба






Кўкракпеч




Салла



Эфод



Ридо



Белбор



Қўйлак



ОЛИЙ РУҲОНИЙ



СИДОН

“ФИНИКИЯ”га қаранг.

СИОН

Куддус шаҳрида Довуд Ёбус халқидан тортиб олган бир жойнинг номи (“2 Шоҳлар” 5:6-9 га қаранг). Бу жой Довуд қалъаси деб ҳам аталарди. Кейинчалик Маъбад қурилган тепалик ҳам Сион деб аталган. Пайғамбарларга оид ва шеърий парчаларда Сион сўзи баъзан бутун Қуддус шаҳрига ёки Қуддус шаҳри аҳолисига нисбатан ишлатилган.

СИПОҲ

Қадимда шоҳнинг лашкари сафида хизмат қилган жангчининг эски ўзбек тилидаги номи.

СОВУТ

Одам танасини найза, ўқ ва турли зарбалардан ҳимоя қилиш учун кийиладиган, пўлат симдан тўқилган жанг кийими.

СОЙЛИК

Икки адир оралиғидаги пастлик, ёғингарчилик мавсумида сув оқадиган, қурғоқчилик пайтларида эса суви қуриб қоладиган жой.

ТАЯНЧ

“ХУДОНИНГ ИСМЛАРИ”га қаранг.

ТИНЧЛИК ҚУРБОНЛИГИ

“ҚУРБОНЛИК”ка қаранг.

ТИР

“ФИНИКИЯ”га қаранг.

ТУММИМ

“УРИМ ВА ТУММИМ”га қаранг.

ТУТАТҚИ ҚУРБОНГОҲИ

“ҚУРБОНГОҲ”га қаранг.

УРИМ ВА ТУММИМ

Муқаддас ҳисобланган ашёлар. Рухонийлар шу икки нарсга ёрдамида Худонинг хоҳиш-иродасини аниқлаганлар, аммо қайси усул билан фойдаланганлари аниқ маълум эмас. Яна “КЎКРАКПЕЧ”га қаранг.

УЧРАШУВ ЧОДИРИ

Муқаддас чодирнинг яна бир номи (“МУҚАДДАС ЧОДИР”га қаранг). “Чиқиш” 33:7-11 да “Учрашув чодирини” ибораси Исроил халқи қароргоҳининг ташқарисида Мусо қурган чодирга нисбатан ҳам ишлатилган. Одамлар Мусо орқали Эгамиздан маслаҳат сўраш ниятида шу чодирга келишган. Ўша чодирда Эгамиз Мусога гапирган. “Чиқиш” 33:7-11 да айтиб ўтилган чодир Муқаддас чодир эмас эди. Ўша пайтда Муқаддас чодир ҳали ясалмаган эди (“Чиқиш” 25:10-22, 26:1-37 га қаранг).

ФАЛАСТИН

Ҳозирги Исроил, Ғазо ва Иордания давлатлари жойлашган ҳудуд.

ФИЛИСТ ХАЛҚИ, ФИЛИСТИЯ

Милоддан олдинги ўн учинчи асрда Филистияда яшаган бир халқ. Филистия Фаластиннинг жануби-ғарбий ерлари, яъни денгиз қирғоғи бўйлаб чўзилган ерларни ўз ичига олган эди. Филист халқининг қаердан келиб чиққани аниқ маълум эмас. Уларнинг баъзилари денгиз орқали, баъзилари эса қуруқлик орқали ҳозирги Юнонистондан кўчиб келган, деб айтилади. Улар Канъон юртидаги халқлардан ажралиб турар ва баъзан “суннатсизлар”, деб айтиларди. Чунки маҳаллий халқлар орасида кенг тарқалган суннат қилиш одати Филистлар орасида йўқ эди. Филист халқи қуйидаги бешта шаҳар-давлатларни — Ғазо, Ашқалон, Ашдод, Гат ва Эхронни барпо қилган эдилар.



Милоддан олдинги ўн иккинчи асрда Филистлар шарқ томонга кўчиб, ўз ерларини кенгайтира бошладилар. Исроил халқи эса Канъон юртининг бошқа томонидан ғарбга қараб сурила бошлади. Оқибатда иккала халқ ўртасида зиддият келиб чиқди. Шундай қилиб, Шоҳ Довуд Филист халқини мағлуб қилгунга қадар, улар Исроил халқининг ашадий душманлари бўлиб қолган эди (“2 Шоҳлар” 8:1, “1 Солномалар” 18:1 га қаранг).

ФИНИКИЯ

Тир, Сидон, Арвод ва Библос шаҳарлари томонидан назорат қилинган, Ўрта ер денгизи бўйида жойлашган ҳудуд. Ҳозирги Ливан давлатининг Ўрта ер денгизи бўйидаги ерлари тахминан мана шу ҳудудга тўғри келади.

ФИРЪАВН

Миср шоҳлари унвони.

ФИСИҲ БАЙРАМИ

“БАЙРАМЛАР”га қаранг.

ФОРС ШОҲЛИГИ

Қадимги қудратли шоҳлик. Унинг пойтахти Бобил ҳозирги жанубий Ироқ ўрнида жойлашган эди. Бу шоҳлик баъзан “Мидия–Форс шоҳлиги” деб ҳам аталади, чунки Мидия бу шоҳликнинг муҳим вилоятларидан бири эди. Форс қонунлари “Мидия ва Форс қонунлари” деб айтиларди (“Эстер” 1:19, “Дониёр” 6:8, 12, 15 га қаранг).

ХАЙИН ХАЛҚИ

Исроил халқи Канъон юртини эгалламасдан олдин ўша ерда яшаган халқлардан бири. Яна “КАНЪОН ХАЛҚИ, КАНЪОНДАГИ ХАЛҚЛАР”га қаранг.

ХАМИРТУРУШСИЗ НОН БАЙРАМИ
“БАЙРАМЛАР”га қаранг.

ХАМЎШ

Мўаб халқи худоси (“3 Шоҳлар” 11:7 га қаранг).

ХАНАЗ ХАЛҚИ

Исроил халқи Канъон юртини эгалламасдан олдин ўша ерда яшаган халқлардан бири (“Ибтидо” 15:19 га қаранг). Яна “КАНЪОН ХАЛҚИ, КАНЪОНДАГИ ХАЛҚЛАР”га қаранг.

ХЕТ ХАЛҚИ

Хетнинг авлоди (“Ибтидо” 10:15 га қаранг). Хет шоҳлигининг пойтахти ҳозирги Туркия ҳудудида эди. Милоддан олдинги 1200 йилгача уларнинг қудратли катта шоҳлиги ҳукм сурган ва Канъон юртининг баъзи жойларини ҳам ўз ичига олган эди. Бу халқ Эски Аҳдда кўпинча Исроил халқи Канъон юртини эгалламасдан олдин ўша ерда яшаган халқлардан бири, деб айтилади. Яна “КАНЪОН ХАЛҚИ, КАНЪОНДАГИ ХАЛҚЛАР”га қаранг.

ХИВ ХАЛҚИ

Исроил халқи Канъон юртини эгалламасдан олдин ўша ерда яшаган халқлардан бири. Улар Канъон юртининг марказий қисмида яшаганлар. Яна “КАНЪОН ХАЛҚИ, КАНЪОНДАГИ ХАЛҚЛАР”га қаранг.

ХИЛХОНА

Қабристондаги бир бўлак жой, узоқ йиллар давомида бир уруғ–авлодга мансуб бўлган марҳумлар ўша жойга дафн этилганлар.

ХОНТАХТА

Муқаддас чодирнинг Муқаддас хонасида, кейинчалик Қуддусдаги Маъбаднинг Муқаддас хонасида турадиган хонтахта. Муқаддас нонлар



шу хонтахтанинг устига кўйиларди (“Чиқиш” 25:23-30, 26:35 га қаранг).



хонтахта

ХОР ХАЛҚИ

Исроил халқи Канъон юртини эгалламасдан олдин ўша ерда яшаган халқлардан бири.

ХУДО

“ХУДОНИНГ ИСМЛАРИ”га қаранг.

ХУДОЙИ ТАОЛО

“ХУДОНИНГ ИСМЛАРИ”га қаранг.

ХУДОНИНГ ИСМЛАРИ

Эски Аҳдда Худога нисбатан бир неча ибронийча исмлар ва иборалар ишлатилган. Қуйидаги рўйхатда бу исмларнинг кўпчилиги қандай таржима қилингани кўрсатилади, керакли ўринларда исмларнинг асл маъноси ҳақида маълумот берилади:

ХУДО

Ибронийчада *Эл* ёки *Элоҳим*, бутун коинотнинг яратувчиси, ибронийчада Худо учун ишлатиладиган асосий исм.

ЭГАМ, ЭГАМИЗ...

Ибронийчада *ЙҲВҲ* (*Йаҳвех* деб талаффуз қилинган бўлиши мумкин). Худонинг атоқли исми ибронийча матнда унли ҳарфларсиз ёзилган. Қадимги иброний ёзувида унли ҳарфлар ифода этилмаган, ибронийча ёзувларни ўқиганлар

қайси ўринда қандай унли товуш кўйилиши кераклигини билишлари керак эди. *ЙҲВҲ* ундошлари билан қайси унли товушлар ишлатилгани маълум эмас. Эски Аҳд даврининг охирларига келиб (тахминан милоддан олдинги 400 йиллар) яҳудийлар Худонинг исмини жуда ҳам муқаддас билганлари учун айтмай кўйган эдилар. Яҳудийлар Эски Аҳдни ўқиганларида “*ЙҲВҲ*”нинг ўрнига *Адонай* сўзини (“РАББИЙ”га қаранг) ишлата бошладилар. Яҳудий олимлари биринчи марта Эски Аҳдни қадимги юнон тилига таржима қилганларида, *ЙҲВҲ* сўзини юнонча *Куриос* сўзи (маъноси *эга*, *хўжайин*) билан таржима қилдилар. Ўшандан бери кўп таржималар, жумладан, бизнинг таржимамиз ҳам, уларнинг изидан бориб, Худонинг атоқли исмини ишлатмай, ўша сўзнинг ўрнига *Эга* сўзининг маъносини берадиган сўз ишлатади. Кўпчилик олимлар *ЙҲВҲ* исмини ибронийча *бор бўлмоқ* феълининг илк шакли бўлиши мумкин, деб тушунадилар. Шу фикрга кўра, *ЙҲВҲ У бордир* ёки *У бор бўлишга сабабдир* деган маънони билдиради. Яъни *У* абадийдир ва ҳеч қачон ўзгармайди. Ҳар бир нарсанинг келиб чиқишига сабабчи *Удир*.

РАББИЙ, РАББИМ, РАББИМИЗ...

Ибронийчада *Адонай*, Худога нисбатан ишлатилган исм, маъноси *эга*, *хўжайин*. Ибронийча ўзақдош *Адон* сўзи шоҳга, ҳукмдор ёки обрўли бирор одамга мурожаат қилганда ишлатилади. Ибронийча матнда кўпинча бирортаси Худога мурожаат қилганда, ибодат қилганда *Адонай* сўзи ишлатилган.

ЭГАМ ХУДО, ЭГАМИЗ ХУДО...

Ибронийчада *ЙҲВҲ Эл*- (ибронийча *Эл* сўзи кўшимчалар билан ишлатилган). Бунинг сўзма-сўз таржимаси — *ЙҲВҲ менинг Худойим...бизнинг Худойимиз....* Яна “ЭГАМ” ва “ХУДО”га қаранг.



ПАРВАРДИГОР ЭГАМ, ПАРВАРДИГОР ЭГАМИЗ

Ибронийчада *ЙҲВХ Элоҳим*. Яна “ЭГАМ” ва “ХУДО”га қаранг.

ЭГАМ РАББИЙ, ЭГАМИЗ РАББИЙ

Ибронийчада *Адонай ЙҲВХ*, Яҳудийлар Эски Аҳд ёзувларини ўқиганларида шундай ҳолатда ибронийча “*ЙҲВХ*”ни *Элоҳим* деб ўқиганлар. Яна “РАББИЙ”, “ЭГАМ”, “ХУДО”га қаранг.

РАББИЙ ХУДО, РАББИМ ХУДО, РАББИМИЗ ХУДО

Ибронийчада *Адонай Элоҳим* ёки *Адонай Эл*- (ибронийча *Эл* сўзи кўшимчалар билан ишлатилган). Яна “РАББИЙ” ва “ХУДО”га қаранг.

САРВАРИ ОЛАМ

Ибронийчада *ЙҲВХ Сабаот*. *Сабаот* сўзининг маъноси “*кўшинлар*”дир, “*ЙҲВХ*”нинг ердаги ва самодаги кучли кўшинларнинг қудратли лашкарбошиси эканлигига бу исм урғу беради. Яна “ЭГАМ”га қаранг.

ПАРВАРДИГОРИ ОЛАМ

Ибронийчада *Элоҳим Сабаот*. Бунинг сўзма-сўз таржимаси — *кўшинлар Худоси* бўлиб, “*ЙҲВХ Сабаот*”га ўхшайди (“САРВАРИ ОЛАМ”га қаранг). “*Элоҳим*”нинг ердаги ва самодаги кучли кўшинларнинг қудратли лашкарбошиси эканлигига бу исм урғу беради. Яна “ХУДО”га қаранг.

ҚОДИР ХУДО

Ибронийчада *Эл Шаддай* ёки *Шаддай*. *Шаддай* сўзининг маъноси аниқ маълум эмас, лекин кўп олимлар уни “тоғнинг Худоси”, деб тушунадилар. Тоғлар куч-қудрат рамзи бўлгани учун, кўп таржималарда бу Худонинг қудратига урғу қаратадиган сўз орқали таржима қилинган. Яна “ХУДО”га қаранг.

ХУДОЙИ ТАОЛО

Ибронийчада *Эл Элён* ёки *Элоҳим Элён*, бунинг сўзма-сўз таржимаси —

Энг юқори Худо. Яна содда қилиб *Элён* сўзининг ўзи ҳам ишлатилади, бунинг сўзма-сўз таржимаси — *Энг юқорида бўлган*. “*Элоҳим*”нинг энг буюк ва энг қудратли Худо эканлигига бу исм урғу қаратади. Яна “ХУДО”га қаранг.

САМОВИЙ ХУДО

Ибронийчадан сўзма-сўз таржимаси — *осмон Худоси*, *осмон ва ер Худоси* ёки *осмон Эгаси*.

БАРҲАЁТ ХУДО

Ибронийчадан сўзма-сўз таржимаси — *тирик Худо*. Худо Ўз халқи манфаати йўлида фаолият қўрсатишга қодир ва фаол эканлигига бу исм урғу қаратади.

МУҚАДДАС ХУДО

Ибронийчадан сўзма-сўз таржимаси — *Муқаддас бўлган*, Худонинг исми сифатида Пайғамбарлар томонидан тез-тез ишлатилган. Исроилнинг Худоси ноёб, танҳо, ҳақиқий Худо эканлигига бу исм урғу қаратади.

ҚОЯ, ТАЯНҚ

Ибронийчадан сўзма-сўз таржимаси — *қоя*. Худого умид боғлаганларни Худонинг Ўзи химоя қилиши ва омон сақлашига, Худонинг ўзгармаслиги ва Унинг бутунлай ишончлилигига бу исм урғу қаратади.

ХУДОНИНГ УЙИ

“МАЪБАД”га қаранг.

ЧАЙЛА БАЙРАМИ

“БАЙРАМЛАР”га қаранг.

ЧИРОҚПОЯ

Муқаддас чодирнинг Муқаддас хонасида турадиган чироқпоя (“*Чиқиш*” 25:31-40, 26:35 га қаранг). Чироқпоя еттита мойчироқни ушлаб турар эди (“*МОЙЧИРОҚ*”га қаранг). Кейинчалик Қуддусдаги Маъбаднинг Муқаддас хонасида ўнга чироқпоя бўлган (“3 Шоҳлар” 7:49 ва “МАЪБАД”даги расмга қаранг). Маъбаддаги



чироқпояларнинг шакли маълум эмас.



чироқпоя

ШАББАТ КУНИ

Яҳудийча ҳафтанинг еттинчи кuni (бизнинг ҳафта бўйича шанба). Бу кун — муқаддас дам олиш кuni ҳисобланган. Қонунга кўра, Шаббат кuni ҳеч қандай меҳнатни ёки зарур бўлмаган ишни қилиш мумкин эмас эди (“Чиқиш” 20:8-11, 31:12-17, “Левилар” 23:3, “Қонунлар” 5:12-15 га қаранг).

ШАРОБ НАЗРИ

“НАЗР”га қаранг.

ШЕЎЛ

Ибронийча сўз, ўзбекчага “Ўлиқлар диёри” деб таржима қилинган. Қадимги Исроил халқи Шеўлни, ер остидаги тубсиз чуқурлик, одамлар ўлгандан кейин борадиган қоронгу жой, деб тушунишарди.

ЭГАМ РАББЕЙ, ЭГАМИЗ РАББЕЙ

“ХУДОНИНГ ИСМЛАРИ”га қаранг.

ЭГАМ ХУДО, ЭГАМИЗ ХУДО...

“ХУДОНИНГ ИСМЛАРИ”га қаранг.

ЭГАМНИНГ УЙИ, ЭГАМИЗНИНГ УЙИ

“МАЪБАД”га қаранг.

ЭГАМНИНГ ФАРИШТАСИ, ЭГАМИЗНИНГ ФАРИШТАСИ

Муҳим бир воқеа—ҳодиса содир бўлишидан олдин ёки махсус бир мақсад ё ҳимоя қилиш учун Эгамиз томонидан юборилган фаришта. Баъзан “Эгамизнинг фариштаси”ни Худонинг Ўзидан ажратиб бўлмайди, баъзи жойларда Худо “Эгамизнинг фариштаси” сифатида зоҳир бўлган бўлиши ҳам мумкин (масалан, “Чиқиш” 3:1-5, “Ҳакамлар” 6:11-24 га қаранг).

ЭГАМ, ЭГАМИЗ...

“ХУДОНИНГ ИСМЛАРИ”га қаранг.

ЭДОМ, ЭДОМ ХАЛҚИ, ЭДОМЛИКЛАР

Ёқубнинг акаси Эсовдан тарқалган насл (“Ибтидо” 36:8-9 га қаранг). Бу насл Эдом деган ерда — Ўлик денгизнинг жануби ва жануби—шарқида жойлашган қирли ва тақир ерда яшаган. Бу халқ Исроил халқининг душмани бўлиб қолди. Исроил халқи Довуд шоҳлиги даврида Эдомликларни босиб олди (“2 Шоҳлар” 8:12-14 га қаранг). Аммо Довуд шоҳлиги тугагандан кейин баъзан Эдом халқи Исроилга қарши исён кўтариб ҳам турган (“3 Шоҳлар” 11:14-22, “4 Шоҳлар” 8:20-22, 16:6 га қаранг).

ЭНГ МУҚАДДАС ХОНА

Муқаддас чодирнинг энг ичкари хонаси, кейинчалик Маъбаднинг энг ичкари хонаси (“МУҚАДДАС ЧОДИР” ва “МАЪБАД”даги расмларга қаранг). Бу хонада Аҳд сандиғи турар эди. Сулаймон қурдирган Маъбаднинг Энг муқаддас хонасида карубларнинг ҳайкаллари ҳам бор эди. Энг муқаддас хонани Муқаддас хонадан катта, кенг парда ажратиб турарди. Қонунга кўра, фақатгина олий руҳоний бир йилда бир мартагина — Покланиш кuni Энг муқаддас хонага кириши мумкин



эди (“БАЙРАМЛАР”дан “ПОКЛАНИШ КУНИ”га қаранг).

ЭФОД

Ибронийча сўз. Эски Аҳднинг баъзи оятларида бу сўзнинг маъноси аниқ эмас. Одатда бу сўз олий руҳоний киядиган махсус кийимга нисбатан ишлатилган (“Чиқиш” 28:4-14 ва “РУҲОНИЙ”дан “ОЛИЙ РУҲОНИЙ”га қаранг). Мана шундай ҳолатда таржимада ибронийча сўз айнан сақланди. Яна баъзи оятларда эфод сўзи руҳонийлар киядиган зиғир матодан тикилган кийимга нисбатан ишлатилган бўлиши ҳам мумкин (“2 Шоҳлар” 2:18, 22:18, “2 Шоҳлар” 6:14 га қаранг). Ҳатто баъзи оятларда одамлар сажда қилган ёки фол очишда ишлатилган нарсалар ҳам эфод деб аталган (“Ҳакамлар” 8:27 га қаранг). Мана шундай ҳолатда оятларнинг мазмунига тўғри келадиган сўз билан таржима қилинди.

ЭФРАЙИМ

Ёқубнинг ўғли Юсуфнинг Мисрда туғилган икки ўғлидан кичиги. Эфрайим ва Манаше қабиалари Юсуфнинг икки ўғлидан келиб чиққан. Эфрайим қабиласи Исроилнинг шимолий қисмидаги энг муҳим қабила бўлиб қолди, шунинг учун Эски Аҳднинг пайғамбарларга оид парчаларида шимолий шоҳлик — Исроил кўпинча Эфрайим ҳам деб айтилган. Бу шоҳликнинг пойтахти Самария эди (“ИСРОИЛ”га қаранг).

ЯХУДИЙ

“Яхудий” сўзи “Яхудо” сўзидан келиб чиққан. Милоддан олдинги 586 йилда жанубий шоҳлик — Яхудони Бобил давлати босиб олди ва Яхудо халқини Бобилга асир қилиб олиб кетди (“БОБИЛ”га қаранг). Мана шу асирлик даврида ва ундан кейин “яхудий” сўзини шу халққа ва умуман Исроил қабиаларига мансуб

одамларга нисбатан ишлатиш жуда кенг тарқалди.

ЯХУДО

Ёқубнинг ўн иккита ўғлидан биттаси. Яхудо қабиласи ундан келиб чиққан. Яхудо қабиласи Исроилнинг жанубий қисмида энг муҳим қабила бўлиб қолди. Шоҳ Сулаймоннинг вафотидан кейин шимолдаги ўнта қабила жанубдаги Яхудо ва Бенямин қабиаларидан ажралиб чиқди (“3 Шоҳлар” 11:26-12:24 га қаранг). Яхудо ва Бенямин қабиалари ҳозирда жанубий шоҳлик деб аталадиган давлатни ташкил қилди. Жанубий шоҳликнинг ўз ҳукмдорлари бўлиб, шоҳликнинг пойтахти Қуддус шаҳри эди. Эски Аҳднинг баъзи парчаларида Яхудо сўзи жанубдаги иккала қабилага ёки жанубий шоҳликка нисбатан ишлатилган.

ҚАРОЛ

Хизматкорнинг бир тури бўлиб, шоҳ томонидан мажбурий хизматга олинган, иктисодий жиҳатдан шоҳга қарам бўлган шахс.

ҚОДИР ХУДО

“ХУДОНИНГ ИСМЛАРИ”га қаранг.

ҚОЯ

“ХУДОНИНГ ИСМЛАРИ”га қаранг.

ҚУРБОНГОҲ

Тoshдан ёки лойдан ясалган махсус қурилма. Қадимда одамлар қурбонгоҳларни ҳар хил қурбонликлар, назрлар ва тутатқи тутатиш учун ишлатганлар. Қурбонлик қилинадиган бу жой муқаддас ҳисобланган. Эски Аҳднинг баъзи парчаларида шу сўз Муқаддас чодирнинг ҳовлисида, кейинчалик Маъбаднинг ҳовлисида жойлаштирилган бронза қурбонгоҳга нисбатан ишлатилган. Руҳонийлар Исроил халқи учун ҳар хил қурбон-




ликлар ва назрлар куйдиришда бронза қурбонгоҳдан фойдаланганлар.



қурбонгоҳ

БРОНЗА ҚУРБОНГОҲ, ҚУРБОНЛИК КУЙДИРИЛАДИГАН ҚУРБОНГОҲ

Муқаддас чодирнинг ҳовлисида, кейинчалик Маъбаднинг ҳовлисида жойлаштирилган махсус қурбонгоҳ. Яна “ҚУРБОНГОҲ”га қаранг.



бронза қурбонгоҳ

ТУТАТҚИ ҚУРБОНГОҲИ, ОЛТИН ТУТАТҚИ ҚУРБОНГОҲИ

Муқаддас чодирнинг Энг муқаддас хонаси олдида, кейинчалик Маъбаднинг Энг муқаддас хонаси олдида жойлаштирилган, олтин билан қопланган махсус қурилма. Руҳонийлар Исроил халқи учун тутатқи тутатишда бу қурбонгоҳдан фойдаланганлар.



тутатқи қурбонгоҳи

ҚУРБОНЛИК

Худого сажда қилиш учун қурбонлик қилинган буқа, қўзи, эчки, каптар ёки мусича каби жониворлар бўлиши мумкин. Жонивор сўйилиб, унинг бир қисми Худого ёқимли хид бўлиши учун назр сифатида қурбонгоҳда куйдирилган. Қолгани сажда қилувчилар томонидан ейилган ёки руҳонийларга берилган. Исроил халқи Худого шукрона тариқасида, Худодан марҳамат, барака тилаб, гуноҳлари учун кечирим сўраб қурбонликлар келтирган. Эски Аҳдда қуйидаги тўртта қурбонлик тури бор эди:

КУЙДИРИЛАДИГАН ҚУРБОНЛИК

Бирор қисми ейилмаган, қурбонгоҳда бутунлай куйдирилган қурбонлик. Бу қурбонликни келтиришдан асосий мақсад — қурбонликдан чиқаётган тутуннинг хиди билан Худони мамнун қилиш эди.

ТИНЧЛИК ҚУРБОНЛИГИ

Бир қисми қурбонгоҳда куйдирилган, қолгани сажда қилувчилар ёки руҳонийлар томонидан ейилган қурбонлик. Қурбонликнинг бу тури барча қурбонликлар орасида энг кўп тарқалган бўлиб, одатда Худого шукрона тариқасида ёки Худодан ёрдам, марҳамат, барака сўраш учун келтирилган. Кўпинча шу қурбонлик ҳақида гап кетганда, Эски Аҳднинг ибронийча матнида қурбонлик сўзи ишлатилган.

ГУНОҲ ҚУРБОНЛИГИ

Бирортаси қилган гуноҳи учун Худодан кечирим сўраб келтирган қурбонлик. Қурбонликнинг қони поклаш расм-русуми бўйича бир неча усул билан ишлатилган. Қурбонликнинг бир қисми қурбонгоҳда куйдирилган, қолгани эса руҳонийларга берилган ёки бошқа жойга олиб бориб куйдирилган.

АЙБ ҚУРБОНЛИГИ

Гуноҳ қурбонлигининг махсус тури. Бирор одам бошқасини алдаганда,



ўғирлик қилганда ёки бошқа бировга зарар етказганда шу қурбонлик тури келтирилган. Бирортаси Худога бағишланган нарсани олганда ҳам айб қурбонлигини келтириши керак эди. Қурбонлик келтирувчи одам бу қурбонликни келтириш билан бирга, ўғирлаган ёки зарар етказган нарсанинг нархини ва яна нарсанинг қийматидан 20 фоизи миқдорида жарима тўлаши керак эди.

ҚУРБОНЛИК КУЙДИРИЛАДИГАН

ҚУРБОНГОҲ

“ҚУРБОНГОҲ”га қаранг.

ҚУРОЛБАРДОР

Қадимда лашкарбошининг қуролларини кўтариб юривчи жангчи.

ҚУРЪА

Ёғоч ёки тош бўлаклари. Бирор нарсани қачон ва қай тарзда қилиш кераклигини билиш учун қуръани сочиш, отиш ёки танлаш орқали, Худонинг иродаси сўралган. Қуръадан қайси усул билан фойдаланганлари аниқ маълум эмас.

ҚЎНАЛҒА

Ҳарбийлар гуруҳи жойлашган жой. Ҳозирги гарнизонга тўғри келади.

ҲОВУЗ

“БРОНЗАДАН ЯСАЛГАН ҲОВУЗ”га қаранг.

ҲОСИЛ БАЙРАМИ

“БАЙРАМЛАР”га қаранг.






ХАРИТАЛАР






Қадимги Фаластиннинг қавариқ картаси







МУНДАРИЖА

Ибтидо	11
Чиқиш	136
Саҳрода.....	241
Ёшуа.....	337
Муқаддас Китоб луғати.....	399
Хариталар.....	425

ТАВРОТ

Нашрга 10.03.2008 й. рухсат этилди. Ҳажми 84x108 1/32.
Офсет усулида босилган. Шартли босма табақ 22,68.
15000 нусхада. Буюртма

«Аль Салам» нашриётида чоп этилди
Қирғизистон Республикаси, Бишкек ш.